**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# ***5210100 – Социология*** **бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 654
"20" 07 2019 йил

# СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон Миллий университети.
- “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги 3 -сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | ***5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи** ............................................................................................................ | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тасnифи ......................................................................... | 4 |
| 2. | ***5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар** .......................... | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .... | 6 |
| 2.2. | *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ................................................ | 7 |
| 3. | ***5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** ...................... | **9** |
| 3.1. | *5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар........................................ | 9 |
| 3.2. | Малака амалиётига қўйиладиган талаблар...................................................... | 12 |
| 3.3. | *5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.................................................................................................. | 13 |

## 1. *5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5210100 – Социология*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5210100 – Социология*** жамият ижтимоий ҳаёти, унинг социал структураси, шунингдек, уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг фаолияти, турли социал воқеалар, жараёнлар ҳамда кишиларнинг социал хулқ-атвори қонуниятларини бутун бир ижтимоий

мураккаб тизим сифатида қамраб олиб, ўзининг конкрет эмпирик методлари асосида уларни назарий ва амалий жиҳатларда тадқиқ этади. Мазкур йўналиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, жамоатчилик фикрини ўрганиш марказлари, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, сиёсий партиялар, маркетинг ва консалтинг хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида йўналишга доир масалаларни ечиш мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– жамият, уни ташкил этувчи ижтимоий тизимлар, шахс, социал жамоа, синф ва гуруҳлар, ижтимоий институт ва ташкилотлар; социал стратификация (табақаланиш) ва социал ҳаракатчанлик; социал ҳаракат, муносабат ва алоқалар; оммавий ва социал коммуникацялар; ижтимоий бошқарув; ижтимоий хизмат ва консалтинг; социал ҳодисалар ва жараёнлар; ижтимоий меъёрлар ва кишилар социал хулқ-атвори; жамоатчилик фикри; ижтимоий қонун ва қонуниятлар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*– дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаши;*

*– гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш;*

*– ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;*

*– табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳақида билимларга эга бўлиш, улардан ижтимоий ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш;*

*– инсонлар орасидаги жамиятга, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятда ҳисобга олиш;*

*– ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва унумли фойдаланиш методларини эгаллаш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиш;*

*– бакалавриатнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;*

*– янги билимларни мустақил ўзлаштира олиш, ўзини такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила олиш;*

*– ташкилот ва муассасаларда социологик тадқиқотлар методларини аниқлаш ва тадқиқот олиб бориш;*

*– социологик тадқиқотлар метадологияси, методи ва техникаси;*

*– тадқиқотдан олинган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш ва янги замонавий ахборот тизими методларини қўллаш;*

*– компьютер технологиялари ва дастурлаш;*

*– техник эксплуатацияси ва тамойилларини тузиш хамда лойиҳалаш;*

*– билимлар инженерияси;*

– *тизимли ёндашув механизмларини тадбиқ этиш;*

– *дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси;*

– *инсон ва жамият ўзаро муносабатларини рационаллаштириш учун тадбиқ этиш усуллари.*

**1.2.3. *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот;*
- *ишлаб чиқариш-амалий;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *лойиҳавий;.*
- *маънавий-маърифий;*
- *турли хизматлар кўрсатиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5210100 – Социология*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5А210101 – Социология (йўналишлари бўйича);*

*5А210101 – Социология (оммавий коммуникациялар социологияси);*

*5А210102 – Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги мутахасисликлари бўйича* икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб бориш мумкин.

## 2. *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5210100 – Социология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Бакалавр**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

–Илмий соҳада намунавий методикалар асосида илмий-тадқиқотларни олиб бориши, уларнинг натижаларини қайта ишлаб, улар асосида илмий асосланган хулосаларини илгари сура олиш;

–фундаментал ва амалий социологик тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказишда тадқиқот дастурини тузиш, бирламчи маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичларида иштирок этиш;

–замонавий информацион технологиялар, ҳисоблаш техникаси воситалари, коммуникация ва алоқаларни қўллаш асосида кенг туркумдаги манбаларни жалб қилиш орқали ижтимоий, демографик, иқтисодий ва бошқа эмпирик маълумотларни қайта ишлаш;

–шарҳ ва аннотациялар тайёрлашда қатнашиш;

–социологик тадқиқотлар ҳамда социологик назарияларнинг тушунтирувчи имкониятларидан фойдаланган ҳолда бошқа эмпирик маълумотларни интерпретация қилиш;

–тадқиқот ишлари натижалари бўйича ҳисоботлар, аналитик маълумотнома, касбга оид нашрлар, информацион маълумотлар тайёрлашда иштирок этиш;

–тадқиқот натижаларини тақдим этиш, ўтказилган тадқиқот мавзуси бўйича хабарлар ва маърузалар билан турли илмий доираларда қатнашиш ва илмий мақолалар чоп этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ишлаб чиқариш-амалий фаолиятда:**

–ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг натижа ва оқибатларини баҳолаш, социал экспертиза;

–ҳокимият ва бошқарув органларида, таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳамда социал коммуникациялар ва касбий фаолиятнинг бошқа соҳаларида маърифий, информацион ва консультатив иш;

–ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида маълумотларни таҳлил қилиш бўйича аналитик иш;

–ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича консультатив ва сервис иши;

–корхона, ташкилот, муассаса, тармоқ соҳа ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида тадқиқотларнинг меъёрий-методик ва маълумотлар базасини таъминлаш;

–ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёж ва манфаатларини аниқлаш, уларнинг бир-бирлари ва ижтимоий жамоалар (меҳнат жамоаси, ҳудудий жамоа)нинг ривожининг ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишлари билан ўзаро келишув механизмларини таклиф этиш;

–корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий характерга эга бўлган долзарб муаммоларни ўрганиш;

–ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

–корхона ва ташкилотларда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнат фаолияти шароитларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

–корхона ва ташкилотларда кадрлар, ишловчиларнинг касбий малакавий ва демографик таркибининг ўзгаришини таҳлил қилиш;

–ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича корхона, муассаса ва ташкилот бошқарув органлари ходимларига маслаҳат бериш, социологик ёндашувларни қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

–ижтимоий соҳаларни мониторингини таъминлайдиган маълумотлар базасини шакллантириш ва таҳлил қилиш, унга бошқарув таъсир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув таъсир самарасини баҳолаш, шу билан бирга маълумотлар манбаларини уларнинг зарурийлиги, етарлилиги ва ишончлилигини баҳолаш мақсадида аудит қилиш;

–ҳокимият ва бошқарув, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларида, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурий-бошқарув бўлинмаларида бошқарув жараёнларини ташкил этишда иштирок этиш;

–илмий консультация ва экспертиза, маълумот алмашинувлари масалалари бўйича илмий-тадқиқот муассасалари ва информацион-аналитик хизматлар билан алоқаларни ташкил этиш ҳамда таъминлашда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим..***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

–жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базасини яратиш;

–тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

–ижтимоий кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

–жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш;

–турли мақсадли аудиториялар учун маркетинг тадқиқотларни илмий-методик, техник ва информацион жиҳатдан таъминлаш, маркетинг хизматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

–ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида соҳага тегишли маърифий тадбирларини ташкил этиш;

–маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш, кўрсатувларда соҳага тегишли материаллар билан иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

–пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

–социология соҳаси мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

–муассаса, ташкилотларда ва корхоналарда социологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

–социологик хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

–социология соҳасига тегишли магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида

қатнашиш; ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

## 3. *5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5210100 – Социология*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**Гуманитар фанлар бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Табиий-илмий фанлар бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

эҳтимоллар назариясининг математик асослари ҳақида тасаввурини шакллантириш лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

социология фани пайдо бўлиши ва шаклланиши, структураси, вазифалари, қонуниятлари, ҳозирги ҳолати юзасидан тасаввурга эга бўлиши; социология фани вужудга келиши, ривожланиши, унда мумтоз ва замонавий таълимотлар, Ғарб ва Шарқдаги социологик мактаблар ва назариялар тўғрисида етарли даражада билимни шакллантириш; турли социологик концепциялар ва уларнинг хулосаларини методологик таҳлил қилиш; социологик таълимотларнинг ривожланишидаги ўрганилаётган қонуниятлар негизида жамиятни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва муаммоли ҳолатларни мустақил равишда баҳолаш; турли даврлардаги социологик ғояларни умумлаштириш ва таҳлил этиш, улардан илмий хулосалар чиқариш ва янги социологик концепцияларни ярата олиш;

социологик тадқиқот, унинг босқичлари, тадқиқотга қўйиладиган талаблар, тадқиқот дастури, ўлчаш ва шкалалар, бирламчи маълумотлар тўплаш методлари, маълумотларни ЭҲМ да қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, социологик ҳисобот тайёрлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш; социологик тадқиқот ўтказиш; социал мониторинг олиб бориш; ташкилот, муассаса, корхоналар билан социологик тадқиқот ўтказиш учун буюртмалар олиш; социологик тадқиқотлар асосида башорат қилиш ва лойиҳалаштириш; социологик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усул ва дастурларидан етарли даражада фойдалана олиши;

ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва таҳлил этиш, улар билан боғлиқ қонуниятларни аниқлаш борасида статистик таҳлил усулларини эгаллаш имконини бериш;

меҳнат соҳасида маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш ва фойдаланиш усулларига эга бўлиш; меҳнат соҳасига тегишли ижтимоий масалаларни ечишда асосланган мустақил қарорларни қабул қилишни билиш; ходимлар меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш; меҳнат бозорида талаб ва таклифни ўрганиш; меҳнат соҳаси бўйича барча ижтимоий ахборотларни тўплаш;

замонавий жамиятда рўй бераётган иқтисодий ҳодисаларни тўғри тавсифлай олиш; турли иқтисодий хусусиятда кечаётган ҳодисаларни холис қиёсий таққослай олиш; муайян иқтисодий ҳодиса ва воқеаларга кишиларнинг шахсий муносабатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни ташкил этиш; иқтисодий соҳаларда ўтказилган амалий социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдалана олиш ва тавсияномаларни яратиш;

оилавий муносабатларда гендер тенглик масалаларига тўғри баҳо бера олиш; ажралиш ҳолатларини бартараф этишда давлатимиз томонидан олиб борилаётган оила сиёсатнинг мазмун моҳиятини таҳлил қила олиш; оиланинг барпо бўлишида икки тарафнинг тенг имкониятлари ҳақида билиш ва ундан фойдалана олиш; Шарқ ва Ғарбда ҳозирги кундаги оилага бўлган муносабат, улар ўртасидаги фарқларни таҳлил қила олиш, ундан илмий фаолиятда фойдалана билиш; ўтказилган гендер тадқиқотлар ва уларни таҳлил қила олиш; гендер муаммосини гуманитар фанларда ўрганилиши ва улардан

фойдалана олиш; жамиятдаги стратификацион қатламлар ва гендер муаммосининг ушбу қатламларни вужудга келишига таъсири тўғрисида билиши ва таҳлил қила олиш;

ташкилотда персоналга бўлган миқдорий эхтиёжни ҳисоблаш; ташкилот ва муассасада мослашув жараёнини бошқариш; персоналга таълим бериш тизимини ташкил этиш; ташкилий ва маънавий рағбатлантириш усулларини қўллаш; сиёсий билим ва дунёқараш асосида ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш;

ижтимоий-сиёсий муаммоларни социологик тадқиқ этиш; халқаро муносабатлар тизими, мазмун-моҳиятини илмий таҳлил этиш; глобал муаммоларни сиёсий-социологик нуқтаи-назардан илмий шарҳлаш;

статистик усуллар ёрдамида статистик тадқиқотлар олиб бориш; социал ҳолатларни ифодалувчи кўрсаткичларни статистик таҳлил қилиш ва баҳолаш; вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни талқин қилиш; аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш;

маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг замонавий дастури таъминотини қўллаш билан маълумотларни қайта ишлаш; корпоратив информацион тизимлар тўғрисида маълумотларга эга бўлган бошқарув маълумотларини бирламчи ва иккиламчи таҳлил қилиш;

жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари асосида илмий-амалий хулосалар чиқариш ва таклифлар бера олиш; жамоатчилик фикри шаклланишини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларидан фойдалана олиш; жамоатчилик фикрини ўрганиш билан боғлиқ мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва муаммоли ҳолатларни мустақил равишда баҳолаш;

социал башорат ва лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини билиш; социал лойиҳалаштириш асосларини назарий-амалий таҳлил қилиш; социал башоратнинг умумий муаммоси доирасида айрим вазифаларни ечиш каби билимларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

маданиятларни социологик таҳлил қилиш методини ўзлаштириш; эмпирик социологик тадқиқот ўтказа олиш; замонавий Ўзбекистон шароитини маданий интерпретация қилиш; маданиятларни социологик таҳлил қилиш методини ўзлаштириш; эмпирик социологик тадқиқот ўтказа олиш; замонавий Ўзбекистон шароитини маданий интерпретация қилиш; маданиятларнинг хилма-хил кўриниши; маданият каналлари; инсонларнинг эстетик қадриятларга бўлган эҳтиёжини қондириш; дунё ва миллий қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги; давлат ислоҳотида социо-маданий жараёнларни ўзаро таъсирининг ўзига хослигини тушуниш борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

социология таълим йўналишидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

социология таълим йўналишидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

социология таълим йўналишидаги талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашишши лозим.

антропогенезис тушунчасини очиб бериш ва ривожлантириш; турли маданий бирикмаларни аниқлашга қаратилган мониторинг олиб бориш; турли жамиятларни социомаданий ҳаётини тадқиқ этишнинг асосий тамойилларини билиши;

жаҳон динлари ва уларнинг эволюцияси, диннинг социал функциялари, дин социологияси фанининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари, диннинг жамият ҳаётида тутган ўрнини билиши; секуляризация ҳодисасини муҳим ижтимоий жараён сифатида замонавий жамият ҳаётига қўллаш; исломдаги толерантлик тамойили ва

уни ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда конфессиялар орасидаги тотувликни таъминлашдаги ўрни; диний қадриятларнинг жамият аъзоларининг поклик ва ҳалоллик сифатларини такомиллаштиришдаги аҳамиятини тахлил қилиш

ижтимоий иш усулларидан фойдаланиш; ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга ижтимоий ҳимояни ташкил этиш;

эмпирик социологик тадқиқот ўтказиш; экспертиза ўтказиш, илмий-техник ва оммавий адабиётлардан фойдаланиш; турли низоли вазиятларни ҳал қилишда воситачилик қила олиш;

фанни бошқаришдаги социал муаммоларни таҳлил қилиш; илмий салоҳият, илмий кадрлар сифати ва илмий заҳираларини ўрганиш; олий ўқув юрти фанининг ҳолати ва келажагини илмий таҳлили қилиш; таълим тизими ижтимоий тамойилларини, таълимдаги асосий масалаларнинг социологик ечимини тушунтириш; таълим тизимининг барча функцияларини жамият ҳаётида кенг имкониятлар даражасида амал қилишни таъминлаш; таълимнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги самарали таъсирини ўрганиш; таълим соҳасида социал муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш; таълим сифатига эришишнинг тавсияномаларини яратиш;

социал конфликтларни таҳлил қилиш, ҳамда уларга ташҳис қўйиш; конфликтларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқоқ дастури тузиш; конфликтларни бошқариш тартиблари; ташкилот, корхона, жамоадаги конфликтларни тадқиқ этиш; конфликтлар, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, конфликт турлари, конфликтларни камайтириш ва бартараф этиш механизмлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**Курс иши мавзулари бўйича:**

Курс иши факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

**3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар:**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув, ва малакавий амалиётда иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув-танишув, малакавий ва битирув олди амалиётларидан ташкил этилди.

***Ўқув-танишув амалиёти*** ўтказилганда – талабалар социология таълим соҳасига мос муассаса ва ташкилотлар билан умумий тарзда танишадилар. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Касбий таълим йўналишларида

талабалар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари билан ҳам танишадилар.

***Малакавий амалиёт*** мутахассислик фанларидан ўтказилиб, талабаларни бевосита мустақил ишлашга тайёрлайди. Ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди.

***Битирув малакавий иши олди амалиёти*** – битирув малакавий ишни тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга мўлжалланган. Бунда битирувчилар ҳозирги замон фанининг долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бошқа илмий ташкилотларда, кутубхоналарда ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш орқали битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди ҳамда соҳа бўйича етакчи олим ва мутахассислар билан мулоқотларда илмий маслаҳатлар олади.

***Битирув малакавий ишига қўйиладиган малакавий талаблар*** – талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иш мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари назарий (рефератив) ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув малакавий иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

**3.3. *5210100 – Социология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | - 57 %; |
| аттестация | - 11 %; |
| таътил | - 16 %; |
| малака амалиёти | - 13 %; |
| битирув малакавий иши | - 3 %. |

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва табиий-илмий фанлар | - 25 %; |
| умумкасбий фанлар | - 49 %; |
| ихтисослик фанлар | - 20 %; |
| қўшимча фанлар | - 6 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002:651.1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:** социология предмети, ижтимоий тизим, социал воқелик, ижтимоий-маданий тизим, жамият, шахс, индивид, инсон, ижтимоий муҳит, гуруҳий тажриба, индивидуал тажриба, шахс социализацияси, ресоциолизация, дисоциализация, ассимилияция, интериоризация, социал статус ва роллар, табиий статус, белгиланадиган ва эришиладиган статуслар, социал жамоа, социал гуруҳ, бирламчи ва иккиламчи гуруҳ, расмий ва норасмий гуруҳ, катта ва кичик гуруҳ, референт гуруҳ, ингуруҳ ва аутгуруҳ, квази гуруҳ, социал категория, социал агрегация, социал доира, социал институт, социал ташкилот, бюрократия, социал бошқарув, социал ҳаракат, социал ўзаро ҳаракат, социал муносабат, социал алоқа, социал контакт, социал структура, социал стратификация, социал дифференция, социал синф, юқори синф, ўрта синф, қуйи синф, социал табақа, социал қатлам, каста, клан, социал ҳаракатчанлик, горизонтал ва вертикал ҳаракатчанлик, гуруҳий ва индивидуал ҳаракатчанлик, авлод ичидаги ва авлодлараро социал ҳаракатчанлик, карьера, девиант хулқ-атвор, дилеквинт хулқ-атвор, аномия, социал меъёрлар, социал жараён, ижтимоий тараққиёт, ижтимоий регресс, социологик тадқиқот, социологик тадқиқот метадологияси, методикаси, техникаси ва процедураси, социологик тадқиқот дастури, стратегик режа, социологик тадқиқотнинг илмий гипотезаси, социал ҳодисаларни ўлчаш, танлаш, репрезентативлик, киш картаси, сўров методи, анкета (сўров варақаси), интервью, интервьюер, респондент, супервайзер, аналитик. социометрия, фокус гуруҳ, модератор, семантик дифференциация, эксперт баҳолаш усули, социал эксперимент, биографик метод, ҳужжат, контент анализ, кузатиш методи, социал эксперимент, валидлик, маълумотларни қайта ишлаш, кодлаштириш, ҳисобот, аналитик маълумотнома, бандлик, иқтисодий тафаккур, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий маданият, оддий ва мураккаб оила, миллий ва интернационал оила, оиланинг репродуктив функцияси, сиёсий ҳокимият, сиёсий маданият, сиёсий динамика, иқтисодий сиёсат, социал ташкилот, ёшлар маданияти, социал статистика, статистик кузатув, сараланган кузатувлар, индекслар, жамоатчилик фикри, маданият, маданий антропология, маросимлар, рамзлар ва афсоналар, ислоҳотлар, миллий анъаналар, социал хизмат, социал менеджмент, имконияти чекланган фуқаролар, конфликт, конфликт парадигмаси, оммавий ҳаракатлар, консенсунс, маъруза, семинар, педагогик инновация, ўқув курси дизайни, Давлат таълим стандарти, рейтинг тизими.

**5210100 – Социология бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1594** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 356 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Ижтимоий соҳада информатика ва замонавий ахборот технологиялари | 136 |
| 1.09 | Демография | 136 |
| 1.10 | Эхтимоллар назарияси | 136 |
| 1.11 | Социологлар учун математика | 204 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3044** |
| 2.01 | Умумий социология | 584 |
| 2.02 | Социология тарихи | 260 |
| 2.03 | Социологик тадқиқотларнинг методологияси, методи ва техникаси | 634 |
| 2.04 | Иқтисодий социология | 246 |
| 2.05 | Меҳнат социологияси | 228 |
| 2.06 | Сиёсий ва халқаро муносабатлар социологияси | 246 |
| 2.07 | Ижтимоий статистика | 130 |
| 2.08 | Социологик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари | 92 |
| 2.09 | Ташкилот ва бошқарув социологияси | 130 |
| 2.10 | Социал психология | 130 |
| 2.11 | Оила социологияси | 114 |
| 2.12 | Ижтимоий антропология | 130 |
| 2.13 | Хуқуқ социологияси | 60 |
| | *Танлов фанлари* | *60* |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1231** |
| 3.01 | Маданият социологияси | 138 |
| 3.02 | Конфиликтлар социологияси | 122 |
| 3.03 | Дин социологияси | 98 |
| 3.04 | Фан ва таълим социолотгияси | 130 |
| 3.05 | Жамоатчилик фикри социологияси | 98 |
| | *Танлов фанлари* | *645* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **395** |
| | **Жами** | **6264** |
| | **Малакавий амалиёт** | **1296** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **324** |
| | **Аттестациялар** | **1188** |
| | **Жами** | **2808** |
| | **ҲАММАСИ** | **9072** |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор ______________**А.Марахимов**

201__ йил «_____» _____________

М.Ў.

**“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази**

Директор ______________**Р.Убайдуллаева**

201__ йил «____» ____________.

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор ____________**З.Хакимов**

201__ йил «____» ____________

М.Ў.

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Ректор ______________**Ш. Ёвқочев**

201__ йил «_____» _____________

М.Ў.

**Ўзбекистон Миллий университети 5210100 – Социология бакалавр таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис:** | | | |
| 1 | А.Марахимов | ЎзМУ ректори, техника фанлари доктори, профессор | |
| **Аъзолари:** | | | |
| 2 | Д.Джумабаев | ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректор, физика-математика фанлари доктори, профессор | |
| 3 | Ғ.Эшонқулов | ЎзМУ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, физика-математика фанлари (PhD) доктори | |
| 4 | Д.Толипов | ЎзМУ ўқув-услубий бўлими бошлиғи муовини, физика-математика фанлари номзоди, доцент | |
| 5 | Х.Тўхтаев | Ижтимоий фанлар факультети декани | |
| 6 | К.Каланов | Социология кафедраси мудири, социология фанлари номзоди. профессор | |
| 7 | Н.Алиқориев | Социология кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор | |
| 8 | Х.Акрамов | Социология кафедраси катта ўқитувчиси | |

**Ректор _____________А.Марахимов**

М.Ў.

**Ўқув ишлари бўйича проректор _____________Д.Джумабаев**

**Декан _______________Х.Тўхтаев**

**Ўзбекистон Миллий университети 5210100 – Социология бакалавр таълим йўналиши бўйича малака талаби мазмуни бўйича ишчи гуруҳнинг келишув варақаси**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис:** | | | |
| 1 | А.Марахимов | ЎзМУ ректори, техника фанлари доктори, профессор | |
| **Аъзолари:** | | | |
| 2 | Д.Джумабаев | ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректор, физика-математика фанлари доктори, профессор | |
| 3 | Ғ.Эшонқулов | ЎзМУ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, физика-математика фанлари (PhD) доктори | |
| 4 | Д.Толипов | ЎзМУ ўқув-услубий бўлими бошлиғи муовини, физика-математика фанлари номзоди, доцент | |
| 5 | Х.Тўхтаев | Ижтимоий фанлар факультети декани | |
| 6 | К.Каланов | Социология кафедраси мудири, социология фанлари номзоди. профессор | |
| 7 | Н.Алиқориев | Социология кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор | |
| 8 | Х.Акрамов | Социология кафедраси катта ўқитувчиси | |

**Ректор** **А.Марахимов**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Д.Джумабаев**

**Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи** **Ғ.Эшонқулов**

**Факультет декани** **Х.Тўхтаев**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликларининг МТ ва ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри** **“____”__________201__**

Биз қуйида имзо қўювчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Марахимов, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Ш.Ёвқочев,“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори Р.Убайдуллаевалар ЎзМУ да ишлаб чиқилган “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори”га мувофиқ қуйидаги бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари мазмуни ва ўқув режалари билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздилар:

Бакалавриант таълим йўналиши:

1. 5210100 – Социология

Магистратура мутахассисликлари:

1. 5А210101 – Социология (йўналишлар бўйича)
2. 5А210101 – Социология (оммавий коммуникациялар социологияси)
3. 5А210102 – Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги.

Юқоридаги бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликлари бўйича МТ ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабларининг ишлаб чиқилишида: “Таълим тўғрисида”ги ва таълимга оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиқлашга тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Миллий университети ректори** | **А.Марахимов** |
| **Ўзбекистон халқаро ислом академияси** | **Ш.Ёвқочев** |
| **“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори** | **Р.Убайдуллаева** |
| **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори** | **Р.Камилов** |

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган 5210100 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва унинг негизидаги 5А210101 - Социология (йўналишлар бўйича), 5А210101 - Социология (оммавий коммуникациялар социологияси) ва 5А210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига**

## ТАҚРИЗ

Жамиятимиз томонидан социолог кадрлар тайёрлашга бўлган талабнинг ўсиб бораётганлиги уларнинг тайёрлаш жараёни учун зарур меъёрий ҳужжатларнинг даврга мос ҳамда янги замонавий талаблар асосида тайёрлашни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида бўлажак касб эгасининг профессионал тайёргарлигининг асоси бўлиб хизмат қилади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган социология бакалавриатура йўналиши ва унинг негизидаги Социология (йўналишлар бўйича), Социология (оммавий коммуникациялар социологияси) ва Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисларини тайёрлаш бўйича малака талабларининг мазкур варианти олдинги ўтган даврда амалиётга қўлланилган шаклларидан етарли даражада фарқ қилиши билан ажралиб турибди. Мазкур тайёрланган малака талабаларининг тузилиши ва унинг мазмунини белгиловчи бандларнинг ҳар бирида мутахассислар тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва амалий жиҳатлари ўз аксини топганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Малака талабларининг ҳар бир банди мутахассислик тайёрлаш жараёни ва унинг келажакда мутахассис сифатида ишлашини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнининг вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талаблари аниқ мезонлар орқали таҳлил этилишига эътибор қаратилган.

Малакавий талабларда мутахассислар тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқариш, илмий ва илмий-тадқиқот, ижодий-изланувчанлик фаолияти, ОЎМКҲТ, ташкилий бошқарув тизими амалга ошириши мумкин бўлган фаолият мезонлари ҳамда фаолият йўналишлари, шунингдек, ҳар бир фаолият йўналишига мос билим, кўникма ва малака ҳамда қобилиятларнинг муҳимлиги мужассамлаштирилган. Малакавий талабларнинг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш жараёни учун зарур ўқув фанлари (курслар) блоки учун ажратилган фанларнинг изчиллигига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир фан блоклари мазмунига қўйиладиган талаблар ҳам мезонлар билан белгиланган. Тайёрланган малака талабларида танлов фанларининг умумкасбий ва ихтисослик фанлари учун алоҳида қўйилиши ҳам давлат стандартларига қўйилган талабларнинг ўзгарганлигидан далолат беради.

Малакавий талабларида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш жараёнининг амалга оширишнинг амалий жиҳатлари малакавий амалиёт, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ва магистр диссертациясини тайёрлашга бўлган

талаблар аниқ бандлар бўйича ёритилган. Шунингдек, мазкур малакавий талаблари олдингиларидан фарқли жиҳати талабаларнинг малакавий амалиётига алоҳида эътибор қаратилган. Янги ДТС да педагогик амалиётга ўрин ажратилмаганлиги ҳам уни олдинги сдандартдан фарқлайдиган жиҳатлардан бири саналади.

Социология йўналиши бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш учун ишлаб чиқилган малакавий талаблари замонга мос, таълим жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро боғлиқларни инобатга олган, мутахассис фаолияти учун зарур назарий билимлар ва амалий малакалар, мутахассислик қобилият мезонлари аниқ ишлаб чиқилган.

Мазкур малакавий талаблари ва ўқув режалар 5210100-Социология бакалавриатура негизидаги 5А210101 - Социология (йўналишлар бўйича), 5А210101 - Социология (оммавий коммуникациялар социологияси) 5А210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликлари ва кадрлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этишга тўла мос келади.

Ўқув режалардаги фанлар малакавий талаблари мазмуни билан мос ва уйғунликка эга.

5210100-Социология бакалавриат 5А210101 - Социология (йўналишлар бўйича), 5А210101 - Социология (оммавий коммуникациялар социологияси) ва 5А210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликлари учун ишлаб чиқилган малакавий талаблари ва ўқув режалар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш Марказига тавсия этиш мумкин.

